



Киргизистонда хизмат ва махсулотларга “халол” стандартини киритиш хакида муҳокама анжумани иктисодий тараққиёт ва савдо вазирлигида муфтий Чубак хожи Жалилов иштирокида бўлиб ўтди. Анжуманда муфтий билан иктисодиёт вазирининг ўринбосари Олег Панкратов, Ислоҳ масалалари бўйича мутахассис Малик Кодиров ҳамда бир катор халол саноатида машғул ташкилот вакиллари иштирок этдилар.

Самарали муҳокама натижасида Киргизистон Малайзиянинг халол стандартига мувофиқ махсулотларга халол сертификатини таъсис қилиши хакида қарор қабул қилинди. Энди халол махсулот ишлаб чиқарувчи муассасалар мазкур стандартга мувофиқ бўлиш учун янгидан сертификат олишлари лозим бўлади.

Муфтий тадбиркорларга “Сизлар қилаётган иш аввало Аллох йўлида ҳаракатдир, даромад эса бундан кейинги мақсадингиз бўлсин” деб насиҳат қилди.

Вазир муовини Олег Панкратов “иктисодий тараққиёт ва савдо вазирлиги махсулотларнинг халоллигини назорат қилувчи ташкилот эмас” деди. Унга кўра, вазирлик бу масалада махсулот истеъмол қилувчиларни нопок рақобатдан ҳимоя қилади ҳолос. Малайзиянинг халол стандартини қабул қилиш – бу жорий ҳукуматнинг ишлаб чиқарувчиларни назорат қилишни эмас, балки рағбатлантиришни мақсад қилганидир.

Мазкур қарор бугунги жамиятнинг талабларига мувофиқ қабул қилинмоқда. Чунки тадбиркорлар “Халол” тамгаси ҳар қандай махсулотга бўлган талабнинг ошишига ҳисса қўшишини билганлари ҳолда, ундан кенг фойдаланяптилар. Бугунги кунда деярли ҳар бир таом шахобчаси ёки ошхона ўз миқозлари сонини ошириш ниятида “халол” сўзини ўзлари учун таниқли ном, яъни бренд қилиб олганлар. Аммо шу кунгача бундай махсулотларнинг “халол таом” тушунчасига қўйилган талабларга жавоб бериши ёки бермаслиги тадбиркорларнинг виждонига ҳавола эди.

Иктисодиёт вазирлигининг халол саноат бўйича бўлим бошлигининг ўринбосари Урмат

Жўлдўшевга кўра, “Киргизистонда охириги пайтларда “халол” тамгаси остидаги гўшт махсулотларининг ишлаб чиқарилиши кўпайди. Хозиргача “халол” сўзининг ишлатилиши махсулотнинг халоллигига факат ишора қилар, лекин қафолат бермас эди. Бу соҳадаги Малайзия стандартининг қабул қилиниши мазкур махсулотни ишлаб чиқариш, сақлаш ва нақлиёт қилишни умумжаҳон қоидаларга мувофиқ қилишни тақозо қилади. Бу қадам ўз навбатида бизнинг тадбиркорларимизга ички талабни қондиришгагина эмас, балки халқаро бозорга чиқишга ҳам имқоният яратади”.

Киргизистон муфтийи муҳоқама анжуманининг резолюциясини тасдиқлади ва имзо қилди.

Islamsng.com саҳифасидан олинди